Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 25 январь Шанба.
№ 8 (14401)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган, жаҳоний шуҳрат қозонган нафис санъатлар мактабларининг ноёб анъаналарини авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, замон талабларига мос бадиий таълим тизимини барпо этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Рассомлар уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Академия Бадиий ижодкорлар уюшмаси ва унинг асосида ўз Бошқарув кенгашига, ҳақиқий ҳамда фахрий аъзоларига эга бўлади. Унинг таркибий тизими тасдиқлансин.

2. Бадиий Академия фаолиятида ижодий, ўқув ва илмий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари асосий йўналишлар эканлиги эътиборга олинсин. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўзбек халқининг бой бадиий мероси, унинг жаҳон санъати тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларини чуқур ўрганиш ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаш, миллий мустақиллик ғояларига мос тадқиқотлар, дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш;

тасвирий ва амалий санъатлар соҳасидаги ижодкорларни, энг аввало, ёш истеъдодларни халқимизнинг бой маънавий дунёси, озод ва обод Ватан келажаги олдидаги масъулият, миллий ўзликни англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш ҳамда бу йўлдаги ҳаракатларни рағбатлантириш;

ижодкорларни, иқтидорли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда соҳа мутахассисларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш;

тасвирий ва амалий санъат, дизайн, халқ ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

халқаро ижодий, илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали ўзбек миллий санъати ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, симпозиумлар ва бошқа анжуманлар ўтказиш;

Бадиий Академия таркибидаги муассасаларнинг ташкилий, моддий-техник масалаларини ҳал қилиш, уларни замонавий техника ҳамда зарур анжомлар билан таъминлаш.

3. Бадиий Академия таркибида:

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг рассомлик факультети ва Республика рассомлик билим юрти негизларида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти,

Республика ўрта махсус санъат мактаб-интернати негизида тасвирий ва амалий санъат лицейи,

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд санъат мактаблари негизида биттадан тасвирий ва амалий санъат лицейлари ташкил этилсин.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти қошида ўрта махсус таълим бўғини сақлаб қолинсин.

4. Бадиий Академиянинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантириш бўйича кенг кўламли дастурларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилсин.

5. Бадиий Академия таркибига қуйидаги муассасалар кириши белгилаб қўйилсин:

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицейлари

Бадиий кўргазмалар дирекцияси

Махсус жамғарма

Академиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими

6. Бадиий Академия ташкил этилиши муносабати билан Маданият ишлари вазирлиги қошида амалий санъат, рассомлик, дизайн соҳаларидаги ташкилот ва корхоналар негизида махсус ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилсин. Бу бирлашманинг Бадиий Академияда яратилган ижодий ғоялар, мукаммал бадиий лойиҳалар, нафис санъатлар соҳасидаги илмий изланишларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш маркази, таълим тизимининг асосий тажриба-амалиёт таянчи бўлиши белгилаб қўйилсин.

7. Бадиий Академия ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ўз Низомлари доирасидаги фаолиятлари учун давлат солиқларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг соҳани янада ривожлантиришга, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

8. Тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида юксак бадиий асарлар яратган ижодкорлар меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида энг яхши асарлар учун бериладиган Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилсин.

9. Бадиий Академиянинг марказий аппарати Тошкент шаҳар Ш. Рашидов кўчаси 40-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Бадиий Академиянинг янги замонавий биносини, Экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатини, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 500 ўринли ётоқхонасини лойиҳалаштириш ва қуриш, шунингдек, мазкур институт ҳамда Бадиий кўргазмалар дирекциясининг биноларини тўлиқ таъмирлаш учун тегишли маблағ ажратишни 1997-1999 йиллар режасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1997 йил 23 январ

Тарихга янгича назар

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ҲАМ ЙЎҚ

Ҳар қандай халқнинг кучи унинг илдизларидадир. Шу боисдан ўзини мамлакат фуқароси деб ҳисобалайдиган ҳар бир киши ватан тарихини билиши зарур. Аждодларнинг буюк меросини ўрганиш катта амалий аҳамиятга молиқдир. Олдинги авлодларнинг тарихий тажрибаси, уларнинг жамиятига хос бўлган маънавий муҳит янги демократик давлат қуриш учун ишончли асос бўлиши мумкин. Айни ёшларда — аҳолининг энг фаол қисмида ўтмиш воқеаларини холисона идрок этишга иштиёқ кучлилиги тасодиф эмас. Республика Вазирлар Маҳкамаси яқинда қабул қилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори ёшлар ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.

* * *

Тошкент давлат шарқшунослик институти иккинчи курс талабаси Жалолиддин Бўриев фикри бундай:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг орадан беш йил ўтди, лекин XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистонда содир бўлган жараёнлар тўғрисида ҳанузгача тўлиқ ва холисона ахборот олганимиз йўқ. Бу жараёнларга олдин мавжуд бўлган ғаразли ёндашув Жаҳон тарихида ўзбек халқининг тутган ўрнини тўғри баҳолашга имкон бермасди. Биз шарқ филологияси факультетида Осиёнинг, жумладан Ватанимизининг қадимги ва замонавий тарихини ўрганаяпмиз. Барча китоблар ва дарсликларга сингиб кетган коммунистик мафкуранинг ақидалари воқеаларнинг моҳиятини бутунлай бузиб кўрсатар эди. Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганишга жуда кам эътибор берилар эди. Ниҳоят сўнгги йилларда сукунат пардаси кўтарилди. Бу эса ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини ҳалқнинг тақдирида уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тутган ўрнини тубдан қайта идрок қилиш имконини берди.

* * *

Энди Тошкентдаги 91-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мария Нуриеванинг фикри билан танишинг:

— Мен ижтимоий фанларга қизиқаман. Тарихни, хорижий тилларни ўрганаяпман. Журналист бўлмоқчиман. Бўлажак касбим учун мамлакатимиз тарихига оид асосий воқеаларни билишгина эмас, уларнинг ижтимоий моҳиятини жаҳон тарихий жараёнларида халқнинг тутган ўрнини аниқ англаб етиш ҳам зарур. Афсуски, ҳозир ўзбек халқининг ҳаётида сўнгги икки асрда юз берган ўзгаришларни холисона ёритадиган чинакам ўқув қўлланмалари йўқ.

Ўзбекистоннинг янги тарихига оид китоблар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу китоблар фақат биз ўқувчиларга эмас, балки Республикамизнинг барча аҳолисига жаҳон маърифатини ривожлантиришда ўзбек халқининг ўрнини, аҳамиятини билиб олишга имкон беради. Ўзбекистон халқининг тарихий мероси ҳақиқатдан ҳам буюкдир. Унга хос бўлган маънавият умумбашарий қадриятларга бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган. Ўтмишга холисона баҳо берилиши лозим.

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

22 январь куни Фан ва техника давлат қўмитасида Американинг «Новелл» фирмаси вакиллари Ўзбекистоннинг бир қанча олий ўқув юртларига компьютер дастурларини совға сифатида топширди.

«Новелл» жаҳондаги компьютер дастурлари ишлаб чиқарадиган энг йирик фирмалардан бири бўлиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидаги бозорни ана шундай дастурлар билан таъминламоқда. Фирманинг МДҲ давлатларидаги вакили К. Светловолосовнинг айтишича, «Новелл» билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишда ҳозир Ўзбекистон собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар ўртасида пешқадам бўлиб турибди. Бу ерда мутахассисларни фирма дастурларидан фойдаланишга текин ўқитиш ташкил этилган эди. Яқинда уларга жаҳонда эътироф этилган тегишли сертификатлар топширилди.

— Бу хайрия иши эмас, деб таъкидлади Америка компанияси вакили. — Бу фирманинг келажакни кўзлаб ажратган сармоясидир. Жуда катта саноат аҳлий салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистонда «Новелл» узоқ истиқболни кўзлаб ҳаракат қилмоқда, яъни фақат бугунги бозорни эмас эртанги кунги бозорни ҳам фаоллик билан барпо этмоқда. Мутахассисларга компьютер таълими бериш шу сиёсатнинг бир қисмидир.

Американинг ҳамкорлар маросимдаги нутқларида ўзларининг Республикамиздаги фаолияти муваффақиятли бошланганидан мамнунликларини яшармадилар. Бу мамлакат раҳбарияти Ўзбекистоннинг ахборот технологиясининг жаҳон даражасига чиқиб олишидан манфаатдорлиги билан боғлиқ эканини таъкидладилар. Ўзбекистон олий ўқув юртларига ҳадя қилинган дастурлар фирманинг энг янги маҳсулотлари бўлиб Республика компьютер тармоғини жаҳон ахборот тизимига улашга имкон беради.

А. ХАЛИФАЕВ,
(ЎзА).

«Камолот» янгиликлари

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИ ЎЙЛАБ

«Камолот» жамғармаси Ғузор тумани бўлими «Пахтабанк», Халқ банки бўлимлари ҳамкорликда «Банкир-97» кўрик-танловини ўтказди. Унда «Пахтабанк»нинг «Иқтисодчи», Халқ банкининг «Омад» жамоалари иштирок этди. Ғолиблик «Иқтисодчи»га насиб этди.

Жамғарманинг туман бўлими ташаббусига кўра вилоятимиз ҳудудида ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳузурига бориб улар билан ёшлар учрашуви ташкил этилди. Хизмат бурчини намунали ўтаётган бир қатор аскарларга «Камолот» жамғармасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

«Ғузор тарихини биласизми?» мавзуидаги қизиқарли кеча тумандаги ёшлар учун катта байрам тарзида нишонланди. Баҳс-мунозаралар, мусиқий танаффус, қизиқарли ўйин, мазмунли суҳбатлар билан қизиган базм йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Иқтидорлилар — юрт бахти

ЮРТБОШИГА МАКТУБ ЁЗГАН ҚИЗ

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА, пойтахтдаги 41-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси, 13 ёшда?!

1989 йил шу мактабнинг 1-синфига борган. Унгача ҳарф танимаган. Иқтидорли ўқитувчилар томонидан текширилиб, ҳар йилда икки синф дастурини ўзлаштиргани учун синфларни «ҳатлаб» ўтган.

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА — 1996 йил инглиз тилида ўтказилган «Талаба ва илмий-техник тараққиёт» республика олимпиадасининг энг ёш иштирокчиси ва VI ўрин голиби.

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА — А. Темур таваллудининг 660 йиллигига «Улуғбек» жамғармаси таъсис этган Давлат мукофоти совриндори. (Матбуотда эълон қилинган мақолалари учун).

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА — 1995 йил истеъдодларни қўллаб-қувватловчи «Улуғбек» номидаги Республика жамғармасининг 1-даража дипломи билан тақдирланган.

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА — Мамлакат Президентига чексиз миннатдорчилик изҳор этиб, мактуб йўллаган.

Бу қизалоқнинг 13 йилда эришган имконияти ҳам, тарихи ҳам мана шу. «5» сони унинг ҳаётида жуда катта ўзгаришлар ясай олган. Беш ойлигидаёқ унинг бошқача болалиги, 5 ёшида боғчага боришдан бош тортиши, 5 ёшли мустақил давлатнинг Президентига дил изҳорини йўллаши...

Жаҳона билан учрашишдан олдин унга оддий ўқувчи сифатида қарашимиз, саволга тутишимиз мумкинми, мумкин эмасми англаёлмадик. (Бойиси, у биз каби мактабни 10 йилда эмас, 11 йиллик синфни 7 йилда тугатади).

ЖАҲОНАНИНГ КУНДАЛИГИДАН

Мустақиллик нон каби қадрли ва азиз сўз. Биз илк марта эрк ва адолат тантанаси — Мустақиллик кунини нишонлаган кунимиз ҳатто, саккиз ёшга ҳам тўлмаган эдик.

Ўтган беш йил она Ватанимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. Саноат юксак даражада тараққий этмоқда. Автомобилсозлик вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида ҳам мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилаётир.

— Жаҳона, сен 13 ёшли боласан, синфдошларинг эса 17-18 ёшли успиринлар...

— Синфдошларимнинг бири акам, бири опам. Мен кўпроқ китоблар билан ўртоқман. Кўпчилик синфдошларимга ачинаман, мактабга қуруқдан-қуруқ келиб кетишади. Уларнинг олдига қўйган мақсадлари йўқ.

— Кўчага чиқиб ўртоқларинг, тенгдошларинг билан ўйнагинг келадими?

— Буни ҳеч ким менга таъқиқлаб қўймаган. Бекорчи пайт бўлсагина кўчага чиқиш мумкин. Аммо мен ҳеч қачон бекорчи пайтим бўлишини хоҳламайман.

— Мактаб дастурида сен ёқтирмайдиган фанлар ҳам борми?

— Ўзим кўпроқ табиий фанларга қизиқаман. Инглиз тилини — она тилимдек севаман. Ёқтириш, ёқтирмаслигим ҳеч нарсани белгиламайди, ахир синфда бир ўзим эмасман-ку.

— Сен каби иқтидорли болалар, кўпинча лицейларда, махсус мактабларда ўқишади...

— Ўзингда бўлмаса, институтда ўқидинг нима-ю, университетда ўқидинг нима. Мактабда ўргатишмаганини ўзим мустақил ўрганаман. Шу нарса мени кўпроқ изланишга имконият яратиб, ундайди.

Жаҳонанинг кундалигидан

Мамлакатимизнинг мустақиллигини юздан ортиқ давлатлар тан олди. Давлатимиз обруси йил сайин ошиб бораяпти. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида таълим олаётган ёшларимиз юртимиз келажаги учун сидқидилдан ўқиб ўрганаяпти.

Хулоса, ҳаётимиз, ўтаётган ҳар бир он Мустақиллик китоби саҳифаларини мазмунли, тарихий воқеалар билан бойитаяпти.

— Президентга хат ёзиш мақсади сенда қачон туғилди?

— Уларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этишни қўпдан бўён орзу қилардим. 13 ёшли қизнинг ўқиш, ўрганиши учун шундай имконият, эътибор яратиб берилгани Президентимизнинг одил сиёсатларидан бири деб ҳисоблайман. Ахир Президентимиз айтганлар-ку: «Ҳеч ким четдан келиб бизнинг давлатимизни, жамиятимизни қуриб бермайди. Уни биз ўзимиз, ҳаёти Ватан билан, унинг келажаги билан боғлиқ бўлган фарзандларимиз қуриши керак». Мен Президентимизнинг ушбу чақириқларига ўз кучим, билимим даражасида амал қилишга ҳаракат қиламан.

— У мактубда яна нималар ҳақида ёздинг?

— 1996 йилда ҳаётимда кечган унутилмас воқеаларни, дилимда бор орзуларимни юртбошимизга айттим келди. Президентимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишларини ўз кўзим билан кўриб, қувонаман. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига чин дилдан ишонаман. Меҳнаткаш халқимиздан фахрланаман.

Жаҳонанинг кундалигидан

Республика ёшлари «Камолот» жамғармаси, «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаларини тузиш тўғрисида»ги Фармонлари, аввало, юртбошимизнинг келажак авлодга бўлган беқиёс ғамхўрлиги намунасидир.

Суҳбатимиз уй бекаси — Жаҳонанинг опаси Оқилахон опа билан уланиб кетади:

— Қизимнинг исмини Жаҳона — дунёда ягона деб қўйганим бежиз эмас экан. Ишончимни у бугун оқлаяпти. Жаҳонанинг болалиги ҳам ғалати ўтган. У болардек «уйинчоқ олиб келинг», демасди. Ўқиб берган китобларимни тинглаб, савол берарди. Имкониятим борича унга шароит яратиб бераман. Ҳеч қачон ўзига кичкина бола сифатида қарамайман. Баъзи ота-оналардек «мумкин-мумкин эмас» деганга ўрин бермайман. 13 ёшли боламнинг бугунги бахтидан қувонаман. Қизимни шу кунгача қўллаб-қувватлаб келаётган барча яхшиларга миннатдорчилик билдираман.

Жаҳона ёш қизалоқ. Аммо ундан эртанги кун учун умидлар бинасини боғлаган суянган тоғи онаси — Оқилахон опа бор.

Лайло
«Туркистон» мухбири.
Суратларда:
Ж. АБДУРАСУЛОВА;
Онаси билан

Суратқаш: Мухаммад АМИН.
(ЎзА).

ЮЗИМИЗ ЁРУҒ БЎЛСИН

Туманимизда 160 минг нафар аҳоли яшайди. Бу аҳолининг 40 минг нафардан кўпроғини «Камолот» жамғармасига даҳлдор бўлган, тумандаги саноат корхоналари, хўжаликлар, илмий муассасалар, тадбиркорлик тузилмаларида ишлаётган, ўқув юртлари ва мактабларда таълим олаётган ёшлар ташкил қилади.

Жамғармамиз омма орасига ўзининг жойлардаги жамоатчилик марказлари орқали кириб бормоқда. Ҳозирча туман бўйича 24 жойда шундай марказ ташкил этилди.

Туманимиз, асосан, мамлакат пойтахтига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш билан шуғулланади. Хўжаликлардаги жамоатчилик марказларимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, ёшларга янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Мисол учун «Дурмон» ҳамда лимончилик жамоа хўжаликларида шундай қилинди.

Ёшлар саноатдаги ислоҳотларда ҳам фаол қатнашмоқдалар. «Янги Тошкент» консерва комбинати, темирбетон буюмлари заводида жамғарма жамоатчилик марказлари иш бошлаб юборди.

Жамғарма туман бўлими Қибрай ёшларининг тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик жараёнидаги иштирокини диққат марказида тутмоқда. Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликдаги ҳаракат режаси тузилган. Кичик, хусусий, жамоа корхоналари ҳамда ҳиссадорлик жамиятларида юзлаб мулкдор ёшлар меҳнат қилмоқда.

Маънавий-маърифий масалалар ҳам эътиборимизда бўлаётир. «Йил ўқитувчиси», «Сирли сандиқ» танлов кўриклари, спорт мусобақаларининг барчасида ҳомий, қўллаб-қувватловчи сифатида қатнашамоқдамиз.

Абдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Камолот» жамғармаси Қибрай туман бўлими раиси.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ: ДАВР, ЖАМИЯТ, ЁШЛАР

(Давра суҳбати)

Нақл қилишларича, фарзанд кўрган бахтли она донишманднинг ҳузурига келиб, тарбияни қачондан бошлаш ҳақида такбир сўрабди. «Болангиз неча ойлик бўлди?» — қизиқибди донишманд. Аёл олти ойга тўлганини айтибди. «Таассуф, — бош чайқабди кўпни кўрган қария, — сиз олти ойга кечикибсиз, синглим». Бу ҳаётий ривоятни турлича талқин қилиш мумкин, аммо мантиқ битта: инсон болаликдан бошланади. Болалик эса аввало таълим-тарбия, навқирон қалбда юксак эътиқод, комил ва нажиб фазилатларни шакллантириш демакдир.

Зотан жаҳонга юз бурган мамлакатимиз келажагини тараққиётнинг қўш қаноти — маънавият ва маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ жамиятни руҳан поклашга қаратилган изчил тадбирлар амалга оширилиб, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, халқимизнинг боқий анъаналарига садоқат руҳида камол топтиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарлидир. Илло, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам муайян муҳит таъсирида шаклланади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳуқуқий-ахлоқий тарбияни кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ. Хўш, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳозирги куннинг юксак талабларига жавоб берадими? Республикамиз ёшлари ўртасида ишсизликни бартараф этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим ва тарбия узвийлигини таъминдаш борасида қандай муаммолар мавжуд?

Қуйидаги давра суҳбати ана шу долзарб мавзуга бағишланди. Унда Ўзбекистон Бош прокуроринг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Р. ҚОДИРОВ, Ҳалқ таълими вазирининг муовини Х. МАЪСУДОВ, Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини А. ЁРҚУЛОВ, Меҳнат вазирининг ўринбосари Р. УБАЙДУЛЛАЕВА, Ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Б. ПАРПИЕВ, «Камолот» ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси Ҳ. АБДУРАИМОВ иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

УМРНИНГ ОЛТИН ПАЛЛАСИ

Хайриддин МАЪСУДОВ: — Ўзларингизга маълум, бугунги давра суҳбатимиз вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш масаласига бағишланган. Шу хусусда ўз муносабатимни баён этмоқчи эдим. Таълим-тарбия жараёнини ҳуқуқий ва демократик тамойиллар асосида ислоҳ қилиш, янгиланаётган жамиятга муносиб етук инсонларни камол топтириш хусусида гап бораркан, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги ҳамда 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунларини эслатиб ўтиш жоиздир. Зеро, катта аҳамиятга молик ушбу ҳужжатларда келажак авлодни муқаддас анъаналарга садоқат руҳида вояга етказиш, ўрта умумтаълим ва ҳунартехника билим юртларида ҳуқуқий-ахлоқий тарбия тизимини такомиллаштириш, қонун асосларини пухта ўзлаштириш ва уларга онгли равишда бўйсуниш маданиятига эга бўлиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Айтиш керакки, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қонун ва қарорлар таълим соҳасидаги туб ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Буни барчамиз яхши биламиз. Айни чоғда масаланинг бошқа жиҳатидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Назаримизда, жойларда таълим ва тарбия жараёнининг узвийлиги тўла таъминланмаётир. Ҳуқуқий билимларни ўрганиш, тарғиб қилиш кунгилдагидек эмас. Фаолиятимиздаги ана шу «кемтиклик»ни бартараф этиш учун ўз қадриятларимизга, илмий-таълимий салоҳиятимизга таяниб иш тутишимиз лозим. Ҳозир умумтаълим мактабларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ва жамият», «Ҳуқуқшунослик», «Одобнома» дарслари ўқитилмоқда. Лекин бу соҳада ҳам талай муаммоларга дуч келаяпмиз. Аввало, ҳуқуқшунос педагоглар етишмайди. Борлари ҳам иқтисодий қийинчиликларни баҳона қилиб, бошқа соҳаларга ўтиб кетмоқда. Биз ҳуқуқий фанларни ўқитиш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимларини жалб этишга тажриба тариқасида рухсат бердик. Барибир, натижа кутилганидек бўлмаяпти.

Ёшлар ўратсида содир этилаётган қонунбузарлик ва жиноятчилик ҳаракатларига сабаб нима? Бизнингча, асосий иллат оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бўшлигидадир. Барча ривожланган мамлакатларда мактабга аввало илм учоғи сифатида қаралади. Тарбия эса биргаликда амалга ошириладиган нозик ва масъулиятли жараён. Бу ишда лоқайдлик, совуққонликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Ёшлар онгида имон, одоб-ахлоқ, ҳуқуқий онг ва тафаккурни қарор топтириш ўтиш даврининг долзарб масалаларидан биридир. Қолаверса, кино-театрлар, телевизор экранлари орқали маънавиятимизга зид фильмларни намойиш этиш, турли спиртли ичимлик ва сигаретларни реклама қилишга чек қўйиш пайти келди. Бундай нохуш ҳолатлар фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлашга ҳожат бормикин?

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Рашид ҚОДИРОВ: — Инсонки бор, умид билан яшайди. Орзу-ҳавасимга эришсам, фарзандларимнинг роҳатини кўрсам, деб ўйлайди. Бу бизнинг болажон халқимизга хос бўлган муштарак хислатдир. Мустақил юрт келажагини яратиш, келгуси авлодларга озод ва обод Ватанни қолдиришга чоғланган эканмиз, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг «Бир гишт олган бўлсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кессам, ўрнига ўн дарахт экдирдим», каби пурмаъно сўзлари мағзини чақишимиз лозим. Чунки бу дориломон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ҳаёт ўз оқимида давом этаяпти. Юртимиз тинч, халқимиз ижодий меҳнат билан банд. Ўзбекистон Конституцияси, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар том маънода инсон манфаатларига йўналтирилганлиги билан характерлидир. Ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилаётганлиги ҳам жамиятимизнинг олижаноб мақсадларидан келиб чиқади. Зеро келажак навқирон ёшлар қўлида. Шундай экан, уларни жисмонан соғлом, маънан юксак инсонлар қилиб камол топтириш ғоят катта аҳамият касб этади. Ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш учун, энг аввало, жойларда қонун устуворлиги таъминланиши лозим. Амалда бунга эришилаяптими?

Яқинда республика прокуратураси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунида белгиланган талаб ва кўрсатмаларга мувофиқ, ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ишсизликни бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда тармоқ ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Маълум бўлишича, жойларда юқоридаги қонуннинг ижроси кўнгилдагидек эмас. Ушбу қонун юзасидан белгиланган кўпгина тадбирлар қоғозда қолмоқда. Ёш авлод муаммолари билан шуғулланишга даъват этилган республикадаги баъзи жамғармаларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳалигача ўз дастурий ҳужжатларига эга эмас. Улар билан ўқув муассасалари ўртасида яқин ҳамкорлик йўқ. Бундай аҳволда баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги мақсад ҳамда вазифаларни рўёбга чиқариб бўлармикин?

Ўтган йили республикамизда вояга етмаганлар томонидан кўплаб жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги ғоят ташвишлидир. Ҳуқуқий тарбияга бепарволик оқибатида ана шу муддатда ёшлар ўртасидаги жиноятлар Самарқанд вилоятида 11,3 фоиз, Бухорода 11,7 фоиз, Қашқадарё вилоятида 4,5 фоизга кўпайган. Энг ачинарлиси, қонунбузарларнинг катта қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этади. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ҳам жамиятимиз манфаатларига путур етказаётган иллатлардир. Улардан қанча тез халос бўлсак, шунча яхши. Республикамизнинг бир қатор ҳудудларида ҳуқуқшунослик бўйича дарсликлар, кўргазмали қуроллар етишмайди. Кўп ҳолларда машғулотларни олиб бориш учун мутахассис бўлмаган кишиларни жалб этиш тажрибаси ҳам ўзини оқламаяпти. Фикримизча, ҳуқуқий тарбияни боғча-яслилардан бошлаш, бу борадаги тажрибаларга амал қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини такомиллаштириш учун машғулотлар мазмунини тергов ва суд жараёнига оид ўқув фильмлари билан бойитиш мақсадга мувофиқдир.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА: — Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон меҳнат бозорини шакллантиришда ёшларнинг ўрни беқиёс. Биз улардан кўп нарса кутишга ҳақлимиз. Қолаверса, республикамиз аҳолисининг 45 фоизини ўсмирлар, навқирон йигит-қизлар ташкил этади. Тўғри, ҳозирги кунда улар орасида ишсизлар оз эмас. Бекорчилик, муқим машғулот билан шуғулланмаслик, табиийки, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик тегирмонига сув қуяди. Бу қониқарсиз аҳволнинг олдини олиш мақсадида республикамизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли табақалари учун квоталанган иш жойлари ташкил этилмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг тўққиз ойи давомида квоталанган ўринларга 55777 нафар ишчи-ёшлар жойлаштирилди. Уларнинг ҳуқуқий бурч ва имтиёзлари тўла кафолатланган.

«Бандлик» дастури асосида меҳнат идоралари томонидан жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топдиришга қаратилган тадбирлар фаоллик билан амалга ошириляпти. Бу борада маҳаллий ҳокимиятлар, оилалар ва маҳаллалар, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик яхши самара бераётир. Қарс икки қўлдан чиқади, дейди халқимиз. Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. У носоғлом муҳит мевасидир. Бинобарин, ёшлар ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ўз вақтида иш билан таъминлаш биринчи даражали масала бўлиши лозим. Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни ўртага ташламоқчиман:

— ўқув юртларини битириб чиқувчиларни муқим ишга жойлаштириш учун қўшимча касб (ихтисос) олиш имкониятлари тўғрисида кенгроқ ахборот беришни йўлга қўйиш;

— республика ҳудудида умумий таълимнинг турли шакллари (лицейлар, коллежлар ва ҳоказолар)ни, шунингдек, малакали ишчи ходимлар ҳамда мутахассислар тайёрлаш тизимини нодавлат йўли билан ривожлантириш;

— қўшимча ишчи жойларини сақлаб турган ва ташкил этган корхона-ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш, айни вақтда иш ҳақига субсидия бериш механизмини жорий этиш;

— ёшлар тадбиркорлиги билан боғлиқ лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда зарур минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

ЁШЛИК — БЕБОШЛИК ЭМАС

Ботир ПАРПИЕВ: — Жиноятчиликка қарши кураш, содир этилиши эҳтимол тутилган қонунбузарликларнинг олдини олиш фақат ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларигагина эмас, балки жамият осойишталигидан манфаатдор бўлган ҳар бир диёнатли фуқаро зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бунинг тагида

катта гап бор. Тўғри, ўтган йили республика бўйича вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 1995 йилдагига нисбатан 7,2 фоизга камайди. Аммо хотиржам бўлишга асос йўқ. Ҳуқуқбузарлик муаммоси ҳамон ўткирлигича қолмоқда. Баъзи оилалардаги носоғлом муҳит, тарбияга нисбатан лоқайдлик кўпинча нохуш оқибатларга олиб келаётир.

Масаланинг бошқа жиҳатини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар профилактик тадбирларни амалга оширишда ўз таъсирини кўрсатиши лозим. Аслида-чи? Ушбу комиссиялар ташкилот ва муассасалар, жамоатчилик ҳамда муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ ролини етарли даражада бажармаяпти. Кўпинча маҳаллий ички ишлар бўлимлари томонидан тўпланган қонунбузарлик фактларини кўриб чиқиш, ишга муҳтож ёшларга йўлланмалар бериш билан чекланиб қолинмоқда. Бу ҳолни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ўқувчи ва талабаларнинг дарсдан бош пайтларини кунгилдагидек ташкил эта билмаслик, маҳалла қўмиталари, ота-оналар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўқлиги, амалдаги қонунлардан бехабарлик, ҳуқуқий савиянинг пастлиги ўсмир ёшлар ўртасида турли хилдаги жиноятларни келтириб чиқараётганлиги сир эмас. Фақат ўз манфаатини, шахсий ҳузур-ҳаловатини ўйлаган одам узоққа боролмайди. Бундайларнинг қисмати боши берк кўчадир. Сўнгги йилларда жиноятчиликнинг йилдан-йилга «ёшариб» бораётганлиги кишида қаттиқ ташвиш уйғотади. Хўш, нега? Демакки, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимиз қониқарли эмас. Даврнинг шиддатли оқимидан узилиб қолмаслик учун ўз фаолиятимизга танқидий назар билан қарашимиз, аччиқ сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб, ҳуқуқий-профилактик тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашимиз лозим. Токи ёшлик — бебошликка айланмасин.

ВАТАН — МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ҳотам АБДУРАИМОВ: — Ёшликни баҳорга, умрнинг олтин палласига қиёслашади. Аслида ҳам шундай. Ҳаёт инсон учун энг биринчи муаллим, тарбия дорилфунунидир. У ана шу дорилфунун бағрида усади, улғаяди, курашади, меҳнат қилади. Дунёда ҳеч нарса абадий бўлмаганидек, ёшлик ҳам ўткинчи. Бинобарин, унинг қадрига етиш, ҳар лаҳзасидан халқ ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш маънавий комиллик белгисидир.

Адолатли ҳуқуқий-демократик жамият сари юз бурган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар барчамизни мамнун этади, айни вақтда олдимизда турган муаммоларни тезроқ ҳал этишга ундайди. Ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ана шундай долзарб муаммолардан биридир. Тажрибадан маълум: ҳуқуқий эътиқод Конституция ва қонунларга ҳурматдан бошланади. Бунга эришиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. Зеро, ҳамкорликдан ҳеч ким зиён кўрмаган. Мустақиллик меваси бўлган «Камолот» жамғармаси ёшлар ва ўсмирлар тарбиясини кучайтиришда ўзини маъсулиятдан соқит, деб ҳисобламайди. Аксинча, бу унинг бош вазифаларидан биридир.

Амалга оширилаётган тадбирлар туфайли бир қатор вилоятларда ишсизлик, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳоллари бироз бўлса-да камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, биз сўнгги пайтларда асосий эътиборни муҳим тарбия ўчоғи бўлган маҳаллаларга қаратмоқдамиз. Зеро, Ватан маҳалладан бошланади. Қолаверса, ёшларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, улар онгида эзгу инсоний фазилатларни шакллантиришда бу қутлуғ даргоҳнинг аҳамияти беқиёсдир.

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Аҳрор ЁРҚУЛОВ: — Назаримда, давра суҳбатида тилга олинган масалалар ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Айниқса, республика Бош прокурори ўринбосари Рашид Қодировнинг фикр-мулоҳазалари фарзандларимиз тақдири ва тарбияси ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўришга ундайди. Ўзбекистон собиқ шўро тузуми даврида оналар ва болалар ўлими бўйича юқори ўринлардан бирини эгаллаб келганлиги сир эмас. Бу тоталитар тузумнинг ўзига хос иллатларидан биридир. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур чоралар кўрилди. Натижада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида катта имкониятлар вужудга келдики, буни илгариги замонда тасаввур этиш қийин эди.

Мана, жонли мисол: сўнгги беш йил давомида оналар ўлими 2,5 баробар, болалар ўлими эса 1,5 баробарга камайди. Келажаги буюк давлатимиз учун жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол инсонлар сув билан ҳаводек зарур. Бу кўп қиррали иш бўлиб, тарбия жараёнига комплекс ёндашувни талаб қилади. Юқорида ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларга ичкиликбозлик ва бошқа ярамас одатларга ружу қўйиш асосий сабаб бўлаётганлиги тўғри таъкидланди. Чиндан ҳам ҳозирча жамиятимизда шунга ўхшаш иллатлар мавжуд. Уларни таг-туги билан йўқотиш, тери-таносил касалликларига қарши кураш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш сизу бизга — ҳаммамизга боғлиқ. Эртанининг ғамини бугун ейишимиз керак. Шу маънода ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларидан ҳам алоҳида масъулият талаб қилинади. Зеро, улар бутун бир халқ саломатлигининг посбонларидир.

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий-ахлоқий тарбияни кучайтириш учун уларни ҳаётга ва касб-ҳунар ўрганишга тўғри йўналтириш, турли хил маданий тадбирлар ўтказиш, жойларда спорт ишларини жонлантириш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Эрта кўклам кезлари мусаффо осмон кенгликларида чарх урган беозор қалдирғочларни кузатганмисиз? Уларнинг шодон талпинишларида ҳаётга, гўзалликка, табиатга ажиб бир муштоқлик бордек туюлмайдими Сизга? Давра суҳбати қатнашчиларининг мулоҳазаларини тинглаб ўтириб, негадир ана шу манзарани эладим. Аслини олганда, инсоннинг ўзи ҳам гўзаллик ва нафосат шайдосидир. Дунёни гўзаллик қутқаради, деган гап бекорга айтилмаган бўлса керак. Ана шундай хушҳол кайфиятдан сўнг «жиноятчилик», «ҳуқуқбузарлик» каби атамаларни тилга олиш кишига эриш туюлади. Начора, гуруч курмаксиз бўлмас экан. Адолат тамойилларига асосланган жамиятимизнинг бу каби «губорлар»дан халос бўлиши қийин кўчмоқда. Вақти келиб, ҳаммаси жойига тушади. Ҳозирча айтадиган гапимиз шу: халқимизнинг ёш авлоддан умиди катта. Улар кўзимизнинг оқу қораси, белимизнинг қуввати. Фарзандларимиз товонига санчилган тикан юрагимизга оғриқ бўлиб киради. Бас, шундай экан, ёшлар тарбиясида якдил ва ҳамфикр бўлишимиз, уларни жиноят кўчасига бошлайдиган иллатларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришимиз лозим. Токи кенжа авлод буюк келажак пойдеворига ўз гиштини қўя олсин, хайрли ва некбин ишлари билан Ватан боғларини гуллатсин. Навоий бобомиз иншо этганидек:

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил:
Ҳам жонларига моғи дармон бўлгил.

Носир ТОШЕВ

Армон

ДЎСТИМНИ ЭСЛАБ

Биз Чори Аваз билан яқин эдик — жуда узоқлашиб кетдик: иккимиз икки дунё вакилларимиз. Қиёматли дўст, оғаини эдик — юз кўрмас бўлдик. Бир оғиз гаплашмаймиз, яхшиёмон, оғир-енгил кунларимизда бир-биримиздан хабар олмаймиз. Мен уни кутаман, мени эса йўқ. Унинг бошидан не кунлар ўтди — билмайман, кўмакка боролмайман, бехабарман. Ўзимча унга мактублар биттим, худди илгаригидай қалбимда борини миридан-сиригача тўкиб солгим келади, лекин журъат этолмайман — Оллоҳ ҳузурида турган ДЎСТИМНИ чалгиттим; безовта қилгим келмайди.

Талабалик йилларимиз Чори билан ҳар куни кўришар, дилкаш суҳбатлар қурардик. Бир гал гап айланиб устоз Миртемир ҳақида фикрлашдик. Мен шоирнинг Ҳамид Олимжон вафотининг бир йиллиги кунида ёзган шеъридан икки сатрни эслаб қолдим:

Бошинангни кўтар, қоқиндиқ
Жуда соғиндик.

Бу мисралар Чорига жуда ёқди. Шундан сўнг бир-биримизни йўқлаб келганда кўпинча шу сатрларни айтиб кўришардик. Бугун ҳам хаёлимда ўша гаплар чарх уради, тилимга кўчмоқ истайди, лекин бўғзимни бир куйдирганча юракка тош бўлиб ботади.

Тортинчоқ эдинг-ку, садаганг кетай,
Ўткариб бўлмасди ҳеч сени тўрга.
Нечун кириб кетдинг сўрамай нетмай
Сенга аталмаган бегона тўрга?

«Мўмин — мўминга ойнадир», деган ҳадис Чори Аваза жудаям мос тушарди. Эшитган гапи, ўқиган нарсаси ҳақида бизга қай тарзда фикр билдирса, эгасигаям худди шу хилда гапирарди. Табиийки, бу кўтчиликка ёқмасди. Бугун Чори Аваздек тўғрисўз, журъатли бир шоирга, холис munaққидга, талабчан муҳаррирга эҳтиёж сезамиз.

Чори Аваз ёзган китобларнинг номлари эсимга тушади: «Тортилган камон», «Уйғонишдан ўзга излама толе», «Бахтиёрлик шу эмасми?» Чори тортилган камондек фикрлади, ижод қилди, ишлади. Ҳисоб-китоб кунида хотиржам ва хушнуд уйғонишини, эътиқоди, имони ва аъмолига яраша ажру савоблар олиб, дўстларига, фарзандларига очиқ юз билан: «Бахтиёрлик шу эмасми?» — дейишини истаймиз, холос.

Чори Авазнинг «Дўстимга» деган ажойиб шеъри бор. Ўгилчам Темурга шу шеърни ёдлатмоқчи бўлдим. Уч яшар бола қийнала бошлади. Кейин бир қийла ишлатдим: «Бу шеърни Чори тоғанг манга атаб ёзғандилар. Сен ёдламасанг хафа бўладилар». Бу ёлғон болага маъқул тушди ва мен ишдан қайтишимга ёддан ўқиб берди. Ҳозир ҳам у-бу ўқишиб қолсак «Чори тоғамнинг сизга бағишлаб ёзган шеърини ўқиб бераман», дейди. Бора-бора бу ёлғонга ўзим ҳам чиппа-чин ишониб қолдим. Уни эслосам, шу шеър қулоғим остида жаранглайди. Ғалати ҳолат: кўз олдимда Чорининг сиймоси, овоз эса уч яшар боланики. Чори гўдакдек беғубор ва масъум бўлиб қолди.

Аъзам ЎКТАМ

Орамиздаги одамлар

МЕҲМОННИНГ РАЪЙИ...

Оғиз очилишига бор-йўғи беш-ўн дақиқа қолганда эшик қўнғироғи жиринглади. Меҳмонларга пешвоз чиққан эр-хотин синфдошлари Омон билан Ҳайруллани кўриб, қувониб кетишди. Айниқса, Нигора қувонди, гўё улар ёшлигини қайтариб олиб келишгандек. «Энди мазза қилиб болалигимизни эслаб, гурунглашиб ўтирамиз», деган хаёл билан елиб-югуриб, меҳмонхонага жой ҳозирлади, дастурхон ёзди.

Нигора ошхонага чиқиб, Омоннинг қўлидаги олган сувхалтанинг ичидаги учта нонга кўзи тушиб ҳайрон. Нон одатда жуфт обкелинарди шекилли, деган ғалати ҳадик кўнглига ўрмалай бошлаганда халтанинг остироғида турган бир синдиримча нонни кўриб хотиржам бўлди. «Ҳа, Омоннинг шумлиги ҳалиям қолмабди. Рўза тутмаган бўлса керак-да, нонни йўл-йўлакай еб кепти. «Уй бекаси беғуборгина кулиб, қозондаги овқатнинг ҳаммасини саҳарликка ҳам қолдирмай, меҳмонларга ва болаларига тақсимлаб сузди.

Уччала синфдош дуойи фотиҳа қилиб оғиз очишди. Энди овқатга қошиқ солай деб турганларида Омон кулиб:

— Ҳа, оғизни очиб бўлдиларингми? Яхши. Мана, уйларингни чиройли қилиб ремонт қилдирибсизлар. Шуни бугун бир ювайлик энди. — Омон гапира-гапира ўрнидан туриб, портфелидан битта коньяк чиқариб дастурхонга қўйди.

Қўлидаги нонни тишлашини ҳам тишламаслигини ҳам билмай қолган Ҳайрулла:

— Бошқа сафар ювармиз, Омон, — деди. Рўза кунлари яхшимас, олиб қўй бунингни!

Уй эгаси бўлмиш Равшан ҳам иккиланиб қолди:

— Қандай бўларкин-а! Ифторликка бунақа нарса аралашса...

— Қандаймас, қанддай бўлади, — Омон синфдошининг гапини шартта бўлиб, коньякнинг «оғзини очиш»га киришди.

Шу пайтгача буларнинг ҳазил-чинлигини тушунмай турган уй бекаси бирдан ҳушёр тортиб, Омоннинг қўлидаги «яримта»ни тортиб олдию, йўлакдаги жавон устига обчиқиб қўйди.

— Рўзаи рамазон кунлари бу уйда ичкилик ичилмайди.

— Мен ичишни ният қилиб келдим бу уйга. Ичмасам бўлмайди бугун.

Нигоранинг жаҳли астойдил чиқди.

— Овқатланиб бўлганимиздан кейин қаерга бориб ичсангиз ичаверасиз, лекин бу ердамас...

Бу даҳал муомаладан ўзини ноқулай сезган эр хотинига буюрди:

— Нигор, коньякни жойига келтириб қўй, ичса ичарда...

— Йўқ, ичмайди!

Қарорнинг кескинлигини сезган Омон «Унда менга омин», дедию, ўрнидан туриб эшикка йўналди. Равшан билан Ҳайрулланинг «қўй-қўй»ига парво қилмай кийина бошлади. Келтирган «яримта»сини портфелига қайтариб солдию, ташқарига чиқиб кетди.

Синфдошлар дастурхонга келиб ўтиришди. Нигоранинг титроғи босилгани йўқ. Равшан унга зарда қилди. Ҳайрулла келганига пушаймон. Мен кетгандан сўнг эр-хотин ўртасида жиддийроқ жанжал чиқмасайди деган хавотир кўнглидан ўтди. Омоннинг овқати шундайлигича қолди.

Нигора эридан яхшигина дакки-дашном эшитгани камдай туни билан ухлолмади: «Наҳотки, хато қилдим? Омон қишлоқда яшайди. Барибир уйига қайтиб кетолмаган. Қаерда қолдийкин? Меҳмонхонада улфатларимни қолдириб келувдим деганди. Балки ўшаларнинг ёнига боргандир?..»

Эртасига Ҳайрулла кўнгироқ қилиб, Омоннинг кеча улфатларини қидириб меҳмонхонадан тополмаганини, овқатни емай кетганига пушаймон бўлгани, коньякни бир ўзи ичгани, охири ярим кечаси тентираб бориб, бир оғайнисиникида тонг оттирганини айтди. Нигора анча тинчланди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Қор таъми...

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ҚОП КЎТАРГАН АЁЛЛАР

Автобус гавжум бекатдан қузғалди-ю, вужудимга баҳорий тароват, дилфизо насим урилиб энтиктириб юборди. Сафар ҳаяжони, Жиззаҳда бўладиган ижодий учрашувлар, мушоиралар сурурига ҳайрат мақоми қўшилиб, қалбимни беғуборлик, сархушлик қамраб олди. Бироқ кўп ўтмай бу кайфиятдан асар ҳам қолмади. Ярим соатлар чамаси юргач, автобус қишлоқ четида тўхтади. 10-15 чоғли одамнинг катта ҳажмдаги юкларни бамайлихотир жойлаштиришидан автобус олдиндан келишилган жойда тўхтагани аён бўлди. Уларнинг кўпчилиги аёллар бўлиб қўлларидаги тугун ва қопларнинг оғирлигидан оёқлари чалишиб кетаётганига қарамай, зўр бериб ўз юкларини ўнгроқ жойга тезроқ қўйишга уриниб, бир-бирларига йўл бермасдилар.

Аёлларнинг иккита абжирроғи автобусга чиқиб, 3-4 эркакни «акажон-укажон» деб, қоп-қоп буюмларини, «каробка»ларга тахланган сопол идишларини биргалашиб жойлаштиришга уринишарди.

Ниҳоят, автобус жўнай деганда қаёқдандир пайдо бўлган зиёлинамо бир йигит чиқиб, ҳалиги «абжир»ларнинг бирига қараб тавозе билан қўлини қуксига қўйди-да, хайрлашди, «оқ йўл» тилаб тушиб кетди.

— Турмуш ўртоғингизми? — ёнимда ўтирган кексароқ онахон киноя аралаш сўради.

Манглайидаги терларини артиб, рўмолча билан елпинаётган жувондан тасдиқ жавобини олгач:

— Шунча оғир юк билан узоқ йўлга ёш нарсани юборишга қандоқ кўзи қийди-я? Савдогарчиликка қуёвингизни юбориб, болаларингизни тарбиялаб, сабр-қаноат қилиб ўтирмайсизми, келин?! — деди. Жувон жавоб бериб улгурмай орқа ўриндиқда ўтирган ёшроғи автобусни бошига кўтарди:

— Бе, ўйламай, зап гапларни гапирасиз-да, хола. Узоққа шунча юк кўтариб зарил кептими, эркакларга. Рўзғорни тебратиш қўлидан келмагандан кейин ўтиради-да, бола боқиб.

Автобусга оғир жимлик, оғриқли сукунат чўкди. Бир-икки эркаклар гапиришга ботинишмадими ё тенг бўлгилари келмадими, томоқ қириб қўя қолишди. Йўловчилар орасида иш юзасидан ёки зарурат юзасидан сафарга чиққанлар оз бўлиб, кўпчилик тирикчилик важидан кетаётганлиги, уларнинг ҳам аксарияти аёллар экани сабабли, ҳеч ким онахоннинг гапини қувватламади. У киши:

— Эркак кишининг тоғгани оз бўлса ҳам баракали бўлади, болам, — деб сўзини мухтасар қилди. Иккала аёл бу гапни эшитса ҳам эшитмаганга олиб, нимагадир шарақлаб кулишди. Менинг кўз ўнгимдан аёлининг юкини кўтаришга ҳам чиқмай, қуллуқ қилиб хайрлашган зиёлинамо, аммо ҳамиятсиз йигитнинг қиёфаси кетмасди...

Энахон СИДДИҚОВА.

ДУШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Бир ўлка-ки...»
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зарралар оламида».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 17-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Малика ва Шаҳзода».
10.40 «Қоракўлчилик истиқболлари».
11.00 Шифокор экрани.
11.30 «Вазият комида». Телесериал.
12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.45 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Ер бағридаги аланга». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.35 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 «Маънавият». «Лойдан яралган қўшиқ». Қулол Нарзуллаевлар сулоласи.
21.50 «Бу оқшом...»
22.10 «Вақт».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 18-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. МДҲ чемпионлари кубоги. «Навбаҳор» (Наманган) — «Спартак» (Москва).
00.40 — 00.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Компьютер-Осиё».
18.55 «Қалбимда Ўзбекистон».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.00 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.10 Кундалик.
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.35 — 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Том Сойер ва Гекельбери Финнинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
*
19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Маънавият», «Сулола», «Нафосат оламида». Телефильмлар.
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Умид».
19.35 Эълонлар.
19.40 Кечки сеанс. «Арвоҳ». Бадиий фильм.
20.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.50 «Авторейд».
21.00 «Кимга қанақа?»
21.40 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.30 «Дўстлик ва ҳамкорлик қирралари».
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 Эълонлар.
23.35 «Бизга ўхшаган...»
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 18-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ёш ўлкашунослар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Қишлоқ стадионларида».
13.05 «Енгиндан сақланинг!».
13.25 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Варахша». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.20 «Вазият комида». Телесериал (Италия).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Умид».
19.35 Эълонлар.
19.40 Кечки сеанс. «Арвоҳ». Бадиий фильм.
20.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
20.50 «Авторейд».
21.00 «Кимга қанақа?»
21.40 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.30 «Дўстлик ва ҳамкорлик қирралари».
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 Эълонлар.
23.35 «Бизга ўхшаган...»
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 19-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Хиванинг 2500 йиллигига. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Зоология.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Вазият комида». Телесериал.
12.15 «Мозийдан нур қидириб». Профессор Н. Маллаев.
12.35 «Турон тулпорлари».
13.00 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
13.30 Чустий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзкинохроника» намойиш этади: «Кўл буйида». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». «Мусиқа ва замон».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.45 «Автоолам».
22.00 «Талқин. ХХ аср».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 20-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. МДҲ чемпионлари кубоги. «Навбаҳор» (Наманган) — «Нефтчи» (Боку).
00.40 — 00.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Зерикмай десангиз...»
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисино» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Зерикмай десангиз...»
22.40 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
22.50 Кундалик.
22.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.15 — 00.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гопи». Телефильм.
18.05 «Том Сойер ва Гекельбери Финнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 3-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
23.30 «Хивача ажрим». Фильм-концерт.
*
22.55 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Сахий хонадонда».
19.30 «Дунё ва болалар».
20.00 «Ер курраси».
20.20 «Британия кундалиги».
20.50 «Қўшиқларим оламни тутгай».
21.10 «Тошкент оқшомида».
21.40 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Коллаж».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

TV TURKISTON

ПАЙШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қувноқлар даврасида».
8.55 Иқтисодиёт чорраҳаларида.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 20-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Осиё ўйинлари олдидан». Спорт дастури.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Кичкинтой» устахонаси.
13.10 «Маънавият» Нажмиддин Кўбро.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.25 «Нодир шахс». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Акциядор луғати».
18.40 «Омонлик тилаймиз».
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов куйлайди.
21.50 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.10 «Иймон».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 21-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.35 «Болажон» экрани.
11.15 «Умрбоқий мерос».
11.35 «Таманно».
11.45 «Унутилмас тасмалар».
13.15 «Дилором наволар».
13.25 Табиат шифохонаси.
13.35 — 15.15 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Аралаш-қуралаш».
19.00 «Эҳтиром».
19.20 «Имло».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё кўриб, дунё ярат».
20.15 «Дилором наволар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Видео — «О».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.10 — 23.30 «Минг бир ҳикмат».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Саломатлик алифбоси», «Тоғ қўлларининг сири». Телефильмлар.
18.25 «Битлз». Ҳужжатли фильм. 1-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
*
22.35 — 23.35 Россия давлат телевидениеси.
*
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 Мультконцерт.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Халқаро фитналар». Телесериал (Италия).
22.05 «Каталог».
22.20 «Интер-спорт».
22.30 «Ажойиб Микки». Телефильм (Япония).
23.00 «Менинг маҳаллам».
23.30 «Океандан океангача».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа бўстони».
9.15 Муборак Рамазон тухфаси: «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 21-қисм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
12.00 «Меҳримиз сизга». Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
12.35 «Йўқолган ҳазина». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Биламиз-у аммо...»
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 «Ривоят».
21.25 Соғлом авлод учун. «Қора кўзим».
21.55 «Эртага — шанба».
22.10 «Таниш ва номаълум».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 22-қисм.
23.15 «Дилнавоз садолар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Бугуннинг боласи».
9.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
10.00 «Ҳавас-ТВ».
10.20 «Жозиба».
10.35 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.00 Видео — «О».
12.40 — 13.20 «Спорт қитъаси».
***
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Мулк эгаси ким?».
18.55 Театр плюс ТВ.
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Қовун тушди».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қорқиз», «Ким сеҳргар?». Мультфильмлар.
18.25 «Битлз». Ҳужжатли фильм. 2-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Амалий санъат ворислари». Телефильм.
*
22.55 — 23.25 Россия давлат телевидениеси.
*
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Айчурек».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Безнен мирас».
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинематограф. «Ноёб асарларни овлаб». Телесериал (Италия).
21.40 «Маънавият ва Ислом».
22.00 «Бу бўстон аро».
22.30 «Алло, эшитаман...»
23.20 Араб эстрадаси.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Танаффус». Мультфильм.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 22-қисм.
10.00 «Ўзбекистон спорти».
10.25 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
10.45 «Қор маликаси». Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрининг спектакли.
11.35 «Ешлар билан».
12.00 «Морена Клара». Телесериал.
12.45 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
13.15 «Билиб қўй-ки, сени Ватан кутади!».
13.35 — 14.50 «Кўр музикачи». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
18.40 «Олам».
18.55 «Мактуб».
19.10 «Сиз севган қўшиқ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бизнес-академия».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 «Ҳайрат».
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фасл. 23-қисм.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.15 «Заковат».
23.25 «Куй ва тасвир».
23.40 «Сиз ёлғиз эмассиз». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Мулк эгаси ким?».
9.40 Театр плюс ТВ.
10.00 «Ором онлари». Концерт.
10.10 Мусиқий кўрсатув.
10.40 «Қовун тушди».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40—14.00 «Спорт қитъаси».
***
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
19.05 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 Видео — «О».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
23.15—23.40 «Спорт қитъаси».

III

18.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.40 — 22.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Даҳшатли кафе». Бадиий фильм. 1-серия.
*
23.35 — 00.05 Россия давлат телевидениеси.
*
00.05 — 00.20 «Доира оҳанглари». Фильм-концерт.

IV

9.00 Аэробика.
9.20 «Клип-антракт».
9.30 «Комедиантлар».
9.50 Кинонинг олтин асри. «Шпессарт қасридаги арвоҳлар». Бадиий фильм.
11.25 «Клип-антракт».
11.35 «Спектаклдан сўнг».
12.00 «Шанба эртаги».
13.10 — 13.40 Корейс тилини ўрганяпмиз.
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 «Рақслар қанотида».
21.00 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.05 Эълонлар.
21.10 Кинонинг олтин асри. Вероника Кастро «Монте Карло» фильмида.
22.40 «Жиллет-спорт».
23.10 Хит-коллекция.
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-фасл. 23-қисм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Усмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!». Телеўйин.
11.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.10 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимова.
12.40 «Қувноқ стартлар».
13.20—14.45 «Имконият». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Вазият комида». Телесериал (Италия).
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Тухфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Эгиз қўшиқлар».
20.15 «Минбар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео — «О».
22.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.15 «Мухлис ТВ-II».
23.30 «Мувозанат».

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.00 — 22.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Даҳшат кафеси». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 — 24.00 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.10 «Парле ву франсе?»
11.40 Киносалон. Б. Бертолуччи фильми. «ХХ аср». 2-қисм.
14.10 «Мусиқий Олимп».
14.30 «Аралаш».
15.00 «Биргаликда куйлайлик».
15.50 «Жонли сайёра».
16.10 Кундузги сеанс. «Христофор Колумб». Бадиий фильм. 2-серия.
*
17.10 — 18.45

УЧИНЧИ КИТОБДАН БОБЛАР

— Кутар буни, оғзини оч, — деди Кесакполвон Ғилайга ишора қилиб.

Бутқа уни тиклаб, йиқилмаслиги учун бир қули билан суяб, иккинчи қули билан елим тасмани кучирди. Ғилай чуқур нафас олди.

Кесакполвон чунтагидан сигарет чиқариб биттасини Ғилайнинг лабига қистирди-да, ёқ-қични ёндирди. Пилик ёруғида Ғилайни юзи янада хунук кўринди. У оч қолган одамдай ютоқиб тутатди. Кесакполвон еққични учирмади, пилик алангасини унинг жағига тутди. Жаги қуйган Ғилай бошини орқага тортди.

— Шунақа, оғайничалиш, — деди Кесакполвон, — хўжайинни алмаштирадиган вақт келди. Янги хўжайинга тобинг борми ё эскисининг орқасидан жийда-халтангни кутариб жўнаб қоласанми? Кинолларда кўргансан, а? «Хўжайинимга содиқман» дейдигانларнинг оёғидан осиб қийнашадими-ей. Кинодагилар аҳмоқ, а? Ё сен аҳмоқмисан? Сенинг оёғингдан оссам ярашмас, а? Ё кекирдагингтача тилиб, туз сепсам, мазза қиласанми? Қўй, бунақа мазалар аҳмоқларга аталган. Сен аҳмоқ эмассан. Кимга содиқ бўлмоқчисан? Улик одамгами? Хўш, энди гапир, келишамизми ё отамлашамизми?

Кесакполвон унинг лабидаги сигаретни олиб ташлади. Ғилай енгил йўталди.

— Қани, энди гапир-чи? — Кесакполвон пилик оловини унинг бурнига яқинлаштирди. Ғилайнинг бурнидан тешик чиқиб турган тукларнинг учи куйиб, чаённинг нишидай гажак бўлиб олди. Ғилай пилик оловини пуфлаб учирди-да:

— Гап йўқ, келишамиз, — деди.

— Қойилман, ўғил бола, — деди Кесакполвон заҳарли жилмайиб. Кейин Бутқага буюрди: — Акангнинг қул-оёғини еч. Қайси аҳмоқ боғлади ўзи буни. Мен шунақа ўғил болаларга беш кетаман ўзим. Қани, окаси кўзидан, энди айт-чи, атрофдаги кўчага қанча бола қўйгансан?

— Тўққизта.

— Улар нима тухум босиб ўтиришибди, нимага ёрдамга келишмади?

Ишора бўлгунича кутишлари керак эди. Бу ёғи бунақа бўлиб қолди.

— Асадни ... ўлдирмоқчимидиларинг?

— Бу ҳақда гапирмовди.

— Унда нимага келди?

— Менга иш буюрарди, мен бажарардим. Мен билан маслаҳатлашмаган.

— Одамларингнинг ҳаммасини бир ерга тўплашинг керак. Икки соатда тўплайсанми?

— Керак бўлса ярим соатда тўплайман.

— Қитмирлари йўқми? Ғалва қилишмайдими?

— Билмайман. Балки... бу гапларни айтмаслик маъқулдир уларга?

— Қойилман, калланг гиж-гиж ақл-а, тошиб кетмаганига ҳайронман, — деди Кесакполвон кесатиб. — Хўжайин бизларни Асадбекнинг ихтиёрига топшириб ўзи сафарга кетди», дейсан. Қаерга тўплайсан болаларингни? Ғилай шаҳар четидаги боғни айтди.

— Йўқ, — деб эътироз билдирди Кесакполвон. Кейин бир оз ўйланиб туриб ўзига маъқул бошқа ерни айтди-да, Бутқага қараб қўйди. Бутқа бу қарашнинг маъносини англади — демак ўша ер йигитлар билан ураб олиниши керак. Бутқа «тушундим» дегандай бош иргаб қўйгач, Кесакполвон Ғилайни кўча томон бошлади: — Юр, энди ошни пишитайлик. Тезроқ дамламасак, тагига олади.

Кесакполвон нозанинни кузатгандай Ғилайнинг қўлтиғидан олди. Катта кўчага чиқишгач, машина тўхтади.

— Болаларингни чақир, — деди Кесакполвон.

Ғилай тушиб, уч-тўрт қадам юргач, қўл силкиб қўйди. Кучанинг нариги бетилаги йигитлардан бири югуриб келди. Ғилай унга бир нима дегач, у шошиб изига қайтди. Бу орада Бутқа Ҳумкаллага ҳожасининг буйруғини етказди. Ғилай машинага ўтиргач, Кесакполвон унинг елкасига қўл ташлади.

— Энди акангникига кириб ўтайлик, бош ерилиб кетай деяпти, — деди Ғилай ялинчоқ оҳангда.

— Боя айтмайсанми шуни? — деди Кесакполвон, сунг Бутқага буюрди: ол, анави ерда очилгани бўлиши керак.

Бутқа пешойна остидаги муъжаз юкхонани очиб бир шиша ароқ билан пиёла олди-да, қуйиб узатди. Ғилай уни бир кутаришда бўшатгач чуқур нафас олиб қўйди.

Кесакполвон унинг руҳий ҳолатини тушунгандек, унга ҳамдард бўлгандек меҳрибонлик қилиб, сигарет тутди. Ғилай яна бир пиёла сўради. Уни ҳам сипқоргач сигарет тутатди. Бир неча нафасдан сўнг яна сўраган эди, Кесакполвон унамади.

Ғилайнинг шартта осонлик билан рози бўлганидан у кўп ҳам ажабланмади. Чунки садоқат деган тушунчанинг руҳи унга бегона эди. «Хўжайинга хиёнат қилди, сотди», деб нафратланмади. Чунки «хиёнат-гуноҳ» деган тушунчадан ҳам йироқ эди. Агар дунё тескари айланиб, Ғилайнинг ўрнида ўзи бўлиб қолган тақдирда, ҳеч бир иккиланмаган ҳолда шу йўлни танлаган бўларди. Дунё тескари айланса ҳам у Ғилайнинг ўрнида бўлмас. Лекин Асадбекнинг қули титраб, нияти амалга ошмаганида, ўзи нобуд бўлганида Ҳосилбойвачча ҳукмронлик супасига кўтарилганида унга хизмат қилавериши аниқ эди. Ундаги бетайинликни Асадбек азалдан билар, шу боис ҳам кўпроқ Чувриндига суянарди.

Кесакполвон чунтак кесиб юрган кезларида Асадбекнинг бир чўталчиси бўларди. Сер йўталроқ, нимжонроқ бола эди. Касалванд бўлгани учунми, Асадбек унинг туриш-турмушидан хабар олиб турарди. Йигитча ҳам Асадбекка содиқ эди. Номи чўғалчи асли эса айғоқчи эди. Қиморбозга хизмат қилиб юриб, қурганбилганларидан Асадбекни огоҳ этиб турарди.

Бир куни Кесакполвон каттароқ овни мўлжал қилиб, уни ёнига олди. Ов юришмадию, аммо йигит анқовлик қилиб қўлга тушди.

«Участкавой ака» деб мурожаат қилишларига қуникиб қолган милиса Кесакполвонни танир эди. Таъбр жоиз бўлса, у вақти-вақти билан Кесакполвондан чўтал олиб турар, шунинг эвазига баъзи пайтларда, баъзи кўчалардан кўзларини юмиб ўтарди. Бир касофат бўлиб, шайтон йўлдан урибми кўзларини беҳос очган экан, ўша йигитчадан гумонсирабди. Кесакполвон «бу бола бизнинг укахон», чунтагини бир кавлаб қўйса, олам гулистон эди. Шуни истамади. Аввало «бу бизнинг укахон» деган учтагина сўз тилдан учгани билан то гап эгасининг қулоғига етгунича чунтак орқали ўтиши керак. Кесакполвон майда ўғирлигига бориб, сарф-ҳаражатдан қочади. У бировнинг чунтагига қўл солса бирон нимани элаштириб чиқишини хуш кўради. Ўз чунтагидан чиққан дамларда эса жони сўгурилгандай туюлади. Йигитни кутқаришдан бўйин товлаганининг иккинчи боиси гап чувалашмасин деди. Ўшанда Асадбек ундан норизо бўлганида «Икки киши ўрнига битта одам ўтиргани дуруст эмасми?» деб ўзини оқлади. Унинг фалсафаси шундай эди: икки киши ўрнига бир одам қамалгани яхши. Қамалгувчи одам касалванд бўлса ҳам майли, қамоқхонада жони узилса ҳам майли... Кесакполвон бу «фалсафаси» байроғи остида кўп ишлар қилди. Бугунга келиб бу байроқ яна кўтарилди. Фақат ёзув бир оз ўзгартирилди: Асадбекнинг мулки икки кишига эмас, бир кишига қолиши керак!

Ғилайнинг осонгина бўйин эгиши Кесакполвонда ҳеч қандай тўғри ўйготмади, демак ҳам ноўриндир. Ғилай ҳеч қандай қаршилик кўрсатмагач, Кесакполвон ундан хавотирланди. Ғилайнинг қаёққа ёки кимга қараётганини билиб бўлмаганидек, хаёлида қандай шумлик яширингани ҳам номаълум эди. Шу хавотир туфайли кўчага чиқишганида «олд томнга ўтир», деб Бутқага имо қилган эди.

Машина ўрнидан жилганидан бери хаёлнинг бир улуши биқинига ботиб турган тўппончада, ўнг қули эса қуллуқ қилгандай ўнг кўкрагида — тўппончани олишга шай эди. Кетма-кет равишда минг марта, балки унданда кўп ҳарифларининг қурагини ерга теккизган полвон агар доно бўлса, ўзига бино қўймайди, минг биринчи ҳарифни ҳам албатта мажақлайман, деб катта кетмайди. Афсус шуки, Кесакполвон у дон полвонлар тоифасидан эмас. Агар Ғилай тирсаги билан туртиб юборса тўппончаси иш бермай қолиши, ҳатто Бутқанинг ўгирилишга ҳам улгурмаслиги мумкинлигини ўйламайди. Унинг бахтига Ғилайда ачиниш ҳисси йўқ. Бўлсами эди, Ҳосилбойваччанинг улими унинг учун изсиз кетмас, ҳеч бўлмаса бар ҳаракат билан уч олишга интилар эди.

Ҳовлига боғлаб қўйилган ит ҳеч маҳал «ҳожам улса шу уйга ҳўжайин буламан», деб орзу қилмагани каби Шомил ғилай ҳам «Ҳосилбойваччадан кейин унинг мулки менга қолади», деб фикрламаганди. Агар биров «ҳожанг яқинда итдай ўлим топади, тайёргарлигингни кўриб қўй», деб башорат қилсами бир ойлик чақалоқнинг калласидай келадиган муштдан татиб кўриши тайин эди.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

(«Шайтанат»ни чоп этиш ҳуқуқи «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига берилган).

СУМАЛАКНИНГ РАНГИ ЯШИЛМИ?

Хонага кириб боришим билан қизиқ манзарага дуч келдим. Бир киши берилиб нимандир чизиш билан банд. Термулиб қолдим. Бу дунёнинг айқаш-уйқаш занжирлари орасида боласини опичлаган аёлнинг тийрак кўзлари менга қадалгандек. Шу пайт у киши хонага кимдир кириб қолганини сезди. Саросималандим. Аммо гапиришга улгурдим:

— Сизни излаб келгандим...

Юзларидан дунё қалқиётган бу инсоннинг кўзида нур порлади ё ё. Севиниб кетдим. Ҳар доим шунақа - таниқли ижодкорларга дуч келсам, нимагадир кувониб кетаман.

Тезда танишиб олдик. Аслиддин Исаев нафақат мусаввир, балки катта қалб эгаси ҳам экан.

— Аслиддин ака, мусаввир руҳият ва хаёлотини изоҳлаб бера оласизми?

У киши ўрнидан туриб хонанинг тўрига тортилган дарпардани четга сурди. Девор тўла осиғлик чизмалар. Мен гоҳ деворга, гоҳ мусаввирга қарардим.

— Бу менинг руҳий дунём, хаёлотим, юрагимдир. Тасвирларнинг ҳар бирида Аслиддин яшайди.

Саволимдан ҳижолат тортдим. Зотан, руҳияти, хаёли бой, дунёни учинчи назар билан кузата олмаган инсон қаршимдаги муъжизаларни дунёга келтирармиди? У идроқ қила олган азалий ҳақиқатлар хаёлимни пардай тўзгитди.

— Асарларингизнинг қай бири юрагингизга яқинроқ?

— Ўзимизнинг «Сумалак»да.

— Нега айнан сумалакни чизгансиз? Халқимизда миллий таомлардан кўпи йўқ. Палов эмас, ғўжа эмас, ғилминди деганларидек...

— Раҳматли аммам маҳаллада сумалак пиширардилар. Фақат баҳорда эмас, бошқа фаслларда ҳам уларнинг уйида шу таом тайёрланарди. «Сумалак» менга аммамни эслатади. Унда қишлоғимнинг нафаси уфуриб туради.

«Сумалак» . Ажаб! Одатда сумалак қизилроқ бўлармиди-ей... Суратда яшил. Ишонгим келмай яқинроқ бордим. Кўзларим алдамаганди. Аммо, нега? Нима учун яшил ? Шартмикан...

Саволларимнинг охири кўринмаса-да, сўрашга ботинаолмадим. Ўзимча баҳорга, яшиллиқни янги ҳаётга боғлаб қўя қолдим.

Аслиддин ака ҳамон сўзларди.

— «Сумалак» ҳиндистонлик мухлисларга ҳам маъқул тушганди. Америкада қайта чизиб беринг деб роса гаранг қилишди.

Ҳавасим келиб кетди. Камтаргина ижодкорнинг Ҳиндистон, Америкада суратларини кўришиб, қайта чизиб беринг деб сўрашса-ю, бизлар эса... Ўзимдан, атрофдаги менга ўхшаган, ҳафсаласизлардан уялиб кетдим. Шунчалик лоқайдмиз-а! Чет элларда машҳур бўлса-ю..

Беихтиёр мазвуни бошқа томонга буришга интилдим.

— Муҳаббатнинг рангини қандай тасвирлайсиз?

У киши нимандир мушоҳада қилгандай бўлди-ю, секин, босиқ овозда гапиришга ўтдилар:

— Биласизми, ранглар қоғозлардагина қолади. Фақат бир жойда Муҳаббат эса - тирик туйғу, қоғозларга сиғмайди. У ерда яшай ҳам олмайди. Унинг ранги чексиз, худди дунё каби...

Муҳаббат деймизу, уни кўкларга кўтарамиз. Яшашнинг мезони деб бир-биримизга пичирлаб ҳам қўямиз. Қаердан келиб чиққан? Унинг ҳам интиҳоси борми? Ибтидоси қачон бошланган, дея сира ўзимизга савол бермаймиз. Давом этаверсам, мен ҳам чексизликка сингиб кетаман, шекилли...

Энди эътиборингизни бошқа нарсага қаратмоқчиман. Аслиддин Исаевнинг иш хонаси Регистон майдони яқинида, шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. Бинолари кўримсизгина. Мен у кишининг бошқа ярасини тирнашга уриндим.

— Бугуннинг мусаввирини негадир ҳеч ким йўқламаяпти. У қандай яшаяпти?

Аслиддин ака сескангандай, вужудига бир титроқ киргандай бўлди.

— Мен арзи-ҳол қилишни ёмон кўраман. Бизда ё шароит, ё ижод. Тамом. Шароит яратаман деб югурсам, иш қолиб кетади-да.

Бир одамнинг соддалиги бўлса шунча бўлар-да.

- Ўзингизни ҳам тасвирлай оласизми?

Саволимни эшитиб, қаршимга иккита картинани олиб қўйди. Иккиси ҳам у кишининг ўзи. Бири дарвешсифат, иккинчиси замонавий кўринишда.

— Маъқули?..

— Дарвешлигим.

Дарвеш халқнинг юрагига яқинроқ бўлади. Унинг дилидаги тушунгувчи бўлади. У кишининг сўзларини эшита туриб, дарвешона мусаввирга қаттиқроқ тикилдим.

« Дарвеш...» Бу сенмисан? Халқ ичида яшайдиган, ҳар куни уларга ризқу-рўз, барака тилайдиган инсон...

«Дарвеш». Бошинг узра сенга олис теракзорли қишлоқдан нур оқиб келмоқда. Сен шу билан тириксан, унутма.

Нигоҳларинг бунчалар тийрак, яна нимадандир хавотир олаяпсанми? Мен сизнинг кўзларингизда кишлоқни кўрдим. У яшаяпти. Мангу. Яна нима дейин: усиб кетган сочу соқол улуг кўрсатиб қўйсада, ярашибди. Сендан дунё паноҳ топгандай, мен ҳам.

Мусаввирга гапиришга ожиз эдим. Шунинг учун асарларни томоша қила бошладим. Кўз ўнгимдан «Шердор» «Бўрилар» муҳаббатнинг қурбонлари ўта бошлади. Бошим айланиб кетди.

Кутилмаганда мусаввир:

- Мусаввирларимизга доимий иш ҳақи ҳам жорий қилинмаган. Гап ойликда ҳам эмас.

Жавоб қайтаролмаслигимни билиб индамадим. Лекин бу юракдан сизиб чиқиб кетган дардмиди ёхуд у киши ўйлаган асл ҳақиқатмиди? Ҳар ҳолда кунгилдагини айтганди.

Бу дилкаш инсон билан хайрлашгим келмаса-да, кетдим. Вақтини олгим келмади. Назаримда дунёни қайта англадим шекилли. Мени суратлардаги тасвирлар сеҳрлаб қўйганди.

Ҳабиба РАЙИМОВА,
Самарқанд давлат университети журналистика бўлимининг талабаси.

Ўғлим, йигитнинг учқур оти, Ватанни қўйламоққа сози бўлсин!

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

— Дўстим, менга «масъулият» сўзининг маъносини тушунтириб берсангиз.

— Фараз қилинг, кўйлагингизда иккита тугмача бор. Уларнинг бири узилиб тушди. Шунда бор масъулият иккинчи тугмачага тушади.

* * *

— Мен бу ерга жуда маҳфий иш билан келдим.

— Қанақа махфий иш экан?

— Шунақа махфийки, ҳатто ўзим ҳам билмайман.

* * *

— Хотиним билан ҳар жанжаллашганимизда ўн сўмдан ташлаб қўядиган одатим бор.

— Хўш, натижа нима бўлди?

— Яқинда «Жигули» сотиб олдим.

Ранг-баранг олам

«ЗАҲАРЛИ» ШАРФ

Илонлар нафақат заҳар солиши, балки иситиши ва кўрк бағишлаши ҳам мумкин экан. Бу йилги қиш фаслида Нью-Йоркда янги шарфлар урф бўлди. Улар илон кўринишида тўқилган бўлиб, ранги ва материалига қараб, нархи ҳам ҳар хил: 10 доллардан 170 долларгача.

ТИШИНГИЗНИ СОТАСИЗМИ?

30-йилларнинг бошида америкалик Холмут Мил Холливуд киноюлдузларининг тишларини акула тишидан тайёрланган оппоқ тишларга алмаштиришни йўлга қўйган эди. Бугунги замонавий тиббий техника воситалари эса тишни хоҳлаган кўринишида ўзгартириш имконини беради. Жумладан, Арнольд Шварцнеггер, Алла Пугачева каби машҳур кишиларнинг олд тишларига ишлов берилган.

ЮЛДУЗЛАР СЎЗЛАЙДИ

Франциянинг 21 нафар етакчи мунажжимлари 1997 йил учун ўз башоратларини эълон қилишди. Уларнинг ичида бу йил Ироқда сиёсий тузум ўзгариши, Марказий Африкада мисли кўрилмаган қўрғоқчилик ва очлик юз бериши, АҚШ ва Куба муносабатларининг нисбатан яхшиланиши, малика Диананинг турмушга чиқиши ҳақидаги башоратлари айниқса кўпчиликнинг диққатини тортди.

ОШНИ КИМ ЕДИ?..

(Митти ҳикоя)

Бомдод номозидан қайтаётган Пирназар қори, божаси Нишон супининг афанди табиат ўглини учратиб қолиб, саломига алик олгач, саволга тутди:

— Эрта тонгдан бизнинг маҳаллада юрибсиз, тинчликми бутам, бирон ошналарингизникида ётиб қолган эдингизми? Супининг ўгли эса, маъшуқасининг йўлини пойлаб, тонгда ишга чиқиши олдидан, учратиш илинжида келган эди. Ростини айтишга уялди-да, хаёлига келган фикрни айтиб қутилмоқчи бўлди.

— Йўқ, тақсир, ҳов анови «дом»ларда ичинда турадиган раҳбари сарбончамиз, тўй қилиб, тонгда ош бераётган эдилар, ўша ердан келаяпман.

Пирназар қорининг ҳайрати ошиб, таажжуб ичра навбатдаги саволни бердилар.

— Бутам, рўза кунларида ҳам тўй қилиб, ош тортадиганлар бор эканда-а?..

Супининг ўглини юраги «зинг» этиб, юзига қон тепчиб, портлаб, сочилиб кетувига қолдида, вазиятдан қутилиш учун ўзини босиқ сўзлаётгандек кўрсатиб, патнисдек текис қорнини силаб қўйиб аста жавоб қайтарди:

— Ҳа, энди худони ўзи кечирсин, сарбончамизнинг завжаи жуфти ҳалоллари мексикалик бўлганидан кейин, фарқига боришмаган-да, тақсир.

— Е... раббано, бутам, унда ошни ким еди?..

Турсун МУҲАММАД.

ЯНГИ НОМЛАР

Аслида бу сарлавҳани қўйишга унча ҳам ҳожат йўқ эди. Бироқ, айрим жамоалар мавсумни ўз номларини янгилашдан бошлашди-ку, бунга тухталмасак бўлмас. Чунончи, бу йилги мавсумдан биринчи лигада астойдил бел боғлаган Урганчнинг «Динамо» жамоаси эндиликда «Хоразм» деб аталади. Воҳанинг яна бир жамоаси Хиванинг «Гиламчи» жамоасининг номини янгилашни ўз фаолиятининг устивор масаласи деб ҳисоблаган шекилли, янги мавсумдан ушбу жамоа шаҳар номи — «Хива» сифатида майдонга тушади

ЖАҲОНДА БИРИНЧИ ЕВРОПАДА ИККИНЧИ

Португалиянинг пойтахти Лиссабон шаҳрида Жаҳон Футбол Федерациялар Уюшмаси йилнинг энг зўр футболчисини эълон этди.

Бундай бахтга Испаниянинг «Барселона» жамоаси ҳужумчиси бразилиялик Роналдо муяссар бўлди. Эслатиб ўтамиз яқиндагина Роналдо германиялик Заммердан сўнг Европанинг иккинчи футболчиси деб тан олинган эди.

МАВСУМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Шу кунларда Қибрай уқувмашғулот маркази ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда мамлакатимиз ва қўшни давлатлардан келган футбол жамоалари мавсумга ҳозирлик кўришмоқда. Жумладан, Қозоғистоннинг Оқтов шаҳри «Мунайши» футболчилари иккита ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Тошкентнинг «Трактор» жамоаси қозоқ футболчиларига 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Ўзининг 40 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган пахтакорчилар эса мавсумга кутаринки руҳда шайланишаётганини намойиш этдилар. Улар Оқтов футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

АСОСИЙ ДАЪВОГАРЛАР

Маълумки, келаси йили Францияда жаҳон футбол чемпионати ўтказилади. Шу кунларда Жанубий Америка ва Африка шаҳарларида йирик футбол анжуманига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Лотин Америкаси гуруҳида Уругвай ва Аргентина жамоалари ўзаро куч синашди. Бу ўйинда ҳисоб очилмади.Бу гуруҳдаги футбол жамоалари орасида Колумбия 17 та, Парагвай 14 та, Аргентина ва Уругвай 10 тадан очко билан чемпионатнинг финалига бериладиган тўрт йўлланмадан бирига даъвогарлик қилишмоқда. Африка футбол жамоалари 20 та бўлиб 5 гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашмоқдалар. Иккинчи босқич, иккинчи тур ўйинларидан кейин Гвинея, Тунис жамоалари 6 тадан очко билан Францияга бориш имкониятини деярли қўлга киритишди. Қолган уч йўлланмага Конго, Камерун, Марокаш жамоалари тўрттадан очко билан талабгор бўлиб туришибди.

Футбол олами

001 хабарлари

ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БУЛАДИ?

Мамлакатимизнинг шимолий вилоятларида кечалари -7-12 даража совуқ бўлса, кундузлари -3+2 даража атрофида бўлади. Ҳаво ҳарорати кечалари -1-6, кундузлари +3+8 даражага кўтарилади.

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда эса ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати кечалари - -2+3, кундузлари эса +2+7 дан +6+11 даражагача илиқ бўлади.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

(27 январь— 2 февраль)

- КУЙ. Ҳафта фаоллик билан бошланади. Душанба, сешанба ва пайшанба амалий муваффақият бўлиши эҳтимоли бор.
- БУЗОҚ. Душанбада муҳим хабардан воқиф бўласиз. Сешанба ва чоршанба кунлари молиявий аҳвол - пул муаммолари ҳақида шуғулланишга тўғри келади.
- ЭГИЗАКЛАР. Душанбадаги тушунмовчилик иш қобилиятингизга заррача таъсир қилмайди. Сешанба ижодда омадингиз чопади.
- ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳафтани баракали меҳнат ва кутаринки кайфиятда бошлайсиз. Айниқса, душанбадан чоршанбагача бўлган давр шу кунлар сирасига киради.
- ШЕР. Ҳафтанинг биринчи ярми яхши бўлиши кутилмоқда. Душанба ва чоршанбада ишдаги амалий муваффақият сизга дадиллик бахш этади.
- ПАРИЗОД. Душанба амалий ишлар учун яхшидир. Сешанбада бошлигингиз билан учрашиб қолишингиз эҳтимоли мавжуд.
- ТАРОЗУ. Душанба ва сешанба шахсий ҳаётингизда омад келтиради.
- ЧАЁН. Сиз жуда яхши ишбилармонлик ҳислатларингизни намоён этиш имкониятингиз бор.
- УҚОТАР. Душанба сурурли бошланди. Пайшанба , жума ва шанбадаги амалий ишларингизда ривож бўлади.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанбадаги муҳим амалий иш ҳамда чоршанбадаги муваффақият ҳафтдаги ижобий кунларингиздир. Якшанбада эса узоқ жойдан қизиқарли хабар кутинг.
- ҚОВҒА. Ҳафтанинг биринчи ярмида асабийлашасиз ҳамда ўз шахсий соғлигингиз ҳақида ўйлашингизга тўғри келади.
- БАЛИҚ. Бу ҳафта турли янгиликларга бой эмас. Ишлар учун душанба ва жума мос кундир. Шанба бироз омадли бўлса, якшанбада ижод билан шуғулланган маъқул.

Тошкент Давлат Чет Тиллар Педагогика институти томонидан Галеева Рима Усмоновнага берилган № 380098 сонли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинсин.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Шавкат ҚУЛИБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97; хатлар бўлими — 36-54-64; тақризлар бўлими — 33-79-69; ижодкор ишлар бўлими — 36-54-64; спорт, харбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 011.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 10.826
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——20.30
1 2 3 4 5 6